

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг судьяси Б.Қурбонов, судья ёрдамчиси Н.Маҳаммаджанованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдумажидов, судланувчи Б.Хошимов ва жабрланувчи М.Ходжиевнинг иштирокида, судланувчи Хошимов Бахтиёр Каримжоновичга оид 1-1601-2409/1345-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хошимов Бахтиёр Каримжонович - 08.03.1988 йилда Чуст туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг 18.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “д,к” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация судлов ҳайъатининг ажрмига кўра, ҳукм ўзгартирилиб, ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “к” банди билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Когон тумани судининг 03.10.2022 йилдаги ажрмига кўра, ЖКнинг 74-моддаси тартибида, ўталмаган жазо 1 йил 2 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг 24.02.2023 йилдаги ажрмига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида, ўталмаган 10 ой жазодан озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, мавсумий ишчи оилали 2 нафар фарзанди бор, Чуст тумани “Мунчоқтепа” МФЙ Катта сой кўчаси 14-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбланган.



Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзи, судланувчиларнинг музокара ҳамда охирги сўзини тинглаб, жинойт иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Хошимов Бахтиёр Каримжонович 2024 йил август ойи давомида ўзига қўриқчилик, экинларни суғориш ва бошқа вазифаларини бажариш шарти билан оғзаки келишув асосида ишониб топширилган Ходжиев Мухаммаджон Ислон ўғлига тегишли Давлатобод тумани “Юксалиш” МФЙда жойлашган 3.5 гектар бодом етиштириладиган боғдан 1.400 кг. жами 73.000.000 сўм бодомни сотиб, жабланувчига анча миқдорда зарар етказиб, ўзлаштириш жинойтини содир этган.

Судланувчи Хошимов Бахтиёр Каримжонович судда, айбига қисман иқрорлиги, у 2024 йил феврал ойида телеграмда “Олмосликлар” гуруҳида Давлатобод тумани Юксалиш МФЙда 1.20 га ер майдонини бепул ижарага берилиши ҳақида хабарни кўриб, эгаси билан гаплашгани, сўнг Ходжиев Мухаммад унга тўлов йўқлиги, бепул фойдаланишга бериладиган ер майдонининг ёнида бодомзор борлиги, шу бодом дарахтларини парваришlash кераклигини айтгани, у рози бўлиб, ишлай бошлагани, сўнг бодомни теришни бошлангач, қарзлари кўпайиб кетгани, шунда М.Ходжиевнинг бодомзоридан терилаётган қопдаги бодомлардан ўзи сотиб пул ишлаш учун олиб қўйгани, 2024 йил август ойи 7-8 кунларидан сўнг бодомларни сотишни бошлагани, у 6-7 қоп олиб, Чуст тумани Олмос бозорида Халилов Камолжонга пўсти билан 1 кг. бодом нархини 15.000 сўмдан 10.400.000 сўмгача сотгани, у М.Ходжиевнинг бодомзоридан жами 1400 кг. бодом сотгани, пулини қарзи эвазига бергани, кейин буни М.Ходжиев билиб, ариза қилгани, ҳозирда етказилган зарарни қоплагани, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, ўзаро келишиб олишганлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Б.Хошимовнинг айби, у қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, қуйидаги инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, жумладан:

Жабрланувчи Ходжиев Мухаммаджон Ислон ўғли судда, унинг Давлатобод тумани “Юксалиш” МФЙда 3.5 гектар бодомзори борлиги, бодомзорга қараб туриш учун телеграмга эълон бергани, эълонга асосан Б.Хошимовга боғни қўриқчилик, экинларни суғориш ва бошқа вазифаларини бажариш шарти билан ишониб оғзаки келишув топширгани, сўнг Б.Хошимов 2024 йил август ойи давомида кунлик ишчиларни ёллаш орқали териб-йиғилган бодомдан 1.400 кг бодом сотиб, унга 73.000.000 сўм зарар етказгани, ҳозирда зарар қопланганлиги, даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчига енгиллик

ишни сўради.



Гувоҳ Махкамова Барно Турсуналиевна судда, 2024 йил июнь ойидан Хошимов Бахтиёр билан яшаб келаётгани, Б.Хошимов Давлатобод туман Юксалиш МФЙдаги дала майдонида ишлаши, 2024 йил август ойларида бодомзордаги бодомлар пишгани сабабли боғ эгаси М.Ходжиев ёлланма ишчилар олиб келиб, тердиргани, кейин Б.Хошимов М.Ходжиевга тегишли бодомзордан бодом сотганлигидан хабар топганини билдириб, б.Хошимовга енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Алиев Назиржон Тошмухаммадович судда, Ходжиев Мухаммаджон таниши экани, 2024 йил 25 август куни у менга телефон қилиб ўзининг Давлатобод тумани Юксалиш МФЙда жойлашган Бодомзорига ишлатиш ва қўриқлаш учун олиб келган Хошимов Бахтиёр бодом йиғим терими давомида Мухаммаджоннинг 1 тоннадан ортиқ бодомларини ўзига билдирмасдан бозорга олиб чиқиб сотгани ҳақида эшитгани, сўнг у ИИБ идорасига Мухаммаджон билан бирга борганини билдирди.

Гувоҳ Халилов Камолжон Джураевич судда, 2024 йил август ойи бошларида Чуст туманидаги "Олмос" дехкон бозорига боргани, бозорда нотаниш шахсни қопда пўстлоғи арчилмаган ҳолатдаги килич навли бодомдан сотиб тургани, кейинчалик сотувчи Бахтиёр Хошимов эканлигини билгани, улар 1 кг.ни 17.500 сўмдан сотишини айтгани, 690 кг бўлгани, Бахтиёр сотаётган бодомнинг пўстлоғи арчилмагани, шунда у Бахтиёрга пўстлоғини чиқариб ташланган ҳолатда 40 кг. бодом пўстлоғини хисоблаб, 650 кг бўлган бодомлар учун 11.515.000 сўм бергани, Бахтиёр бодомнинг қолган қисми ўзининг яшаш хонадонига эканлигини айтиб унинг Чуст тумани Олмос ҚФЙда жойлашган уйига олиб боргани, шунда Бахтиёр унга яна бодом борлигини айтиб, сотиб олишимни сўради. У Бахтиёрга яна бўлса сотиб олишини айтгани, 3 кун ўтгач, Бахтиёр қўнғирок килиб, яна 200 кг бодом тайёрлаб қўйганлигини айтгани, у рози бўлгани, Бахтиёр бодомларнинг унинг хонадонига олиб келди. Бу сафар бодом қуруқ бўлгани сабабли бир килограм бодом учун 15.000 сўмдан сўрагани, у Бахтиёр олиб келган 200 кг. бодом мевалари учун унга жами 3.000.000 сўм пулни бергани, Бахтиёрдан олинган бодомларни бозорга олиб чиқиб устига қўйиб сотиб юборгани, 2024 йил 25 август куни уйига Мухаммад келиб, Бахтиёрдан бодом сотиб олганлигини сўрагани, у М.Ходжиевга "Бахтиёр"дан 890 кг бодом сотиб олганлигини айтгани, унга Бахтиёр сотган бодомлар Мухаммаджоннинг боғида етиштирилганлигини билдирди.

Шунингдек, судланувчи Б.Хошимовнинг айби, жиноят ишида тўпланган далиллар мажмуи, ариза, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва фото иловалари, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш баённомаси, тушунтириш хатлари, терговга қадар текширув ҳужжатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа асосли далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.



Суд, судланувчи Хошимов Бахтиёр Каримжоновичнинг қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан нотўғри квалификация қилинган деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, “Мансабвазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасига кўра, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди деб кўрсатилган.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида, Б.Хошимов 2024 йил август ойи давомида ўзига қўриқчилик, экинларни суғориш ва бошқа вазифаларини бажариш шарти билан оғзаки келишув асосида ишониб топширилган Ходжиев Мухаммаджон Ислом ўғлига тегишли Давлатобод тумани “Юксалиш” МФЙда жойлашган 3.5 гектар бодом етиштириладиган боғдан 1.400 кг. жами 73.000.000 сўм бодомни сотиб, жабланувчига анча миқдорда зарар етказиб, ўзлаштириш жиноятини содир этган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадарайбсиз ҳисобланиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Шу сабабли, суд, судланувчи Б.Хошимовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖКнинг 167-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Б.Хошимовнинг айбига қисман иқрорлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ва оилавий шароитини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Б.Хошимовнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиний фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунидаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш



шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши кўрсатилган. Мазкур принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, қайд қилинган Пленум қарорларининг тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Б.Хошимовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, иштирокчилик роли ва даражаси, айбига қисман иқрорлиги, М.Зиявиддиновнинг унга даъвоси йўқлиги ва қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талаби, оилавий шароити ҳамда ишдаги бошқа оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддаси 2-қисми «м» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида белгилангандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдиришни лозим топади.

Суд, жабрланувчи М.Ходжиевга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчига даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд



ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Хошимов Бахтиёр Каримжоновичнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми «а» бандидан ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмига қайта малакалансин.

Хошимов Бахтиёр Каримжонович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи ички ишлар бўлими органлари белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси Чуст тумани ИИБ пробадия гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Б.Хошимовга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи М.Ходжиевга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчига даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида мазкур суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Б.Қурбонов

